O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310509

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 19-may • Seshanba • 60 (29.021) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Биз сувни тежаш муаммосини тубдан ҳал этиш ва шу йўл билан унинг танқислигининг олдини олиш ва ушбу неъматни келажак авлод учун асрашга интилишни унутмаслигимиз лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб 1-иловага мувофиқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пасайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлилиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир тури бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисобрақамларини очиш учун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгиланганки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ таклифлар билан биргаликда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда киритиб борсин;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА

Ш А Р Ҳ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтдаги 48,2 фоизгача кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес соҳасида 374 мингдан кўпроқ янги иш жойлари яратилди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда)

✓ Фракция фаолияти



ДЕПУТАТЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

бўлғуси сиёсатшуносларнинг ҳар жиҳатдан фаоллигини оширишга хизмат қилади

Мамлакат ривожи, ислоҳотларнинг муваффақияти ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданияти даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш мақсадларидан келиб чиқиб, 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинган эди. Ўтган қарийб ўн икки йилга яқин вақт мобайнида мазкур дастур асосида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг Тошкент давлат Шарқшунослик институтида профессор-ўқитувчилар, талабалар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувида бу ҳақда батафсил фикр алмашилди. «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг долзарб масалалари» мавзуига бағишланган давра суҳбати қизғин фикр алмашув, савол-жавоблар асосида ўтди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, ҳуқуқий таълим ва тарбия бўйича ўқув дастурлари ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ишларини такомиллаштириш, юридик адабиётлар нашр қилишни кўпайтириш, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқий ёрдам олишини таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Бугунги кунда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Фракция аъзоси Рустам Тиллабоев, институт ректори Абдураҳим Маннонов юксак ҳуқуқий, касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга, Ватан манфаатини ҳимоя қилишга қодир янги авлодни шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти эканини қайд этишди. Ана шу вазифаларни амалга оширишда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» муҳим ўрин тутади.

Аҳоли ўртасида тарғиботташвиқот ишларини кучайтириш, ёшлар учун юридик маслаҳат бериш тизимини янада ривожлантириш, ҳуқуқий таълим ишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мутахассислар, олимларни кенгроқ жалб этишга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

2-бет

Глобал сув муаммолари масалалари билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Жаҳон Сув кенгашидир. Мазкур муассаса 1996 йил 14 июнда Франциянинг Марсель шаҳрида сув муаммолари бўйича таниқли мутахассислар гуруҳи ва бир қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятининг глобал сув муаммолари борасида ўсиб бораётган хавотирларига жавобан ташкил топди.

Яқинда Ўзбекистонда Жаҳон Сув кенгашининг Президенти жаноб Луи Фашон меҳмон бўлди. Мамлакатимизга ташрифи чоғида «Жаҳон» АА мухбири у билан суҳбатда бўлди. Қуйида ушбу суҳбат матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ЛУИ ФАШОН: «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ИНТИЛИШИ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

— Жаноб Фашон, Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи Жаҳон сув форумида БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти Президенти Жак Диоф сув танқислиги таҳдиди ва инсоннинг сувга бўлган ҳуқуқи тўғрисида сўзлаб ўтди. Одамларнинг сувга бўлган ҳуқуқи борасида фикрингиз қандай?

— Аввало, мен жаҳон сув танқислиги билан боғлиқ вазият тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Маълумки, ер аҳолиси ҳар 10 йилда тахминан 1 миллиардга кўпаймоқда. Шу билан бирга, таъкидламоқчиман, дунё аҳолисининг асосий қисми йирик мегаполис шаҳарларга ҳамда океан соҳилларига туташ ҳудудларда тўпланиб, истиқомат қилмоқда. Бу жойларда саноат ва аҳолининг доимий ўсиши тобора экологик, жумладан, сув истеъмоли билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида аҳолини етарли миқдорда сув билан таъминлашга оид талай муаммоларга дуч келмоқдамиз. Бу вазият эса тўпланиб қолган масалаларга зудлик билан ечим топишни талаб қилади.

Бугун, биринчи навбатда, мавжуд бўлган икки муаммони эътиборга олиш лозим. Бу бир томондан, ер юзида аҳолини кўпайиши ва бунинг оқибатида сув истеъмолининг ўз-ўзидан ортишига олиб келишидир. Иккинчи томондан эса биз ўз навбатида фарзандларимиз ва невараларимиз учун сувни асраб қолишни ўйлашимиз лозим. Зеро, бу улар олдидаги бурчимиздир. Шу йўсинда, биз бир зайлда гўёки бир-бирига зид икки масалага ечим топишимиз даркор. Бир томондан, сув таъминотини ошириш, иккинчи томондан эса келажак авлод учун уни асраб қолиш.

Ҳозир жаҳонда шундай вазият юзага келганки, бунда сув ресурсларига эга айрим давлат раҳбарлари ўзларининг уларга эгалик қилиш ҳуқуқини тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, биз сувни тежаш муаммосини тубдан ҳал этиш ва шу йўл билан унинг танқислигининг олдини олиш ва ушбу неъматни келажак авлод учун асрашга интилишни унутмаслигимиз лозим.

Шу муносабат билан, яқинда бўлиб ўтган Жаҳон сув форуми очилиши маросимида мен — сув сероблиги даври тугади, — деб таъкидладим. Шу нуқтаи назардан, мен ҳамкасбим Жак Диофнинг сув истеъмолини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини қатъий тартибга солишни мустаҳкалашимиз даркор, деган фикрига қўшиламан.

Бугун сайёрамизда сув муаммоси билан боғлиқ бўлган умумий бир ёндашув йўқ. Бироқ аминманки, давлат раҳбарлари сувдан оқилона фойдаланиш борасида ягона бир тўхтамга келганда ўзаро муросага келиш ва тўғри бир қарорни қабул қилиш мумкин бўлади. Бинобарин, дунёда бугунги кунда сувдан фойдаланиш масаласида юзага келган вазият шундай йўл тутишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

• ОДДИЙ ОДАМЛАР

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги ҳамроҳ, суҳбатдошларимиз ҳам оддий одамлар — бири меҳрга муҳтож, бири меҳр улашаяпти, яна бири яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз меҳнати билан ҳаётини қураяпти...

2-бет

• ЭЛЕКТРОН ҚАРОҚЧИЛАР

ёки компьютер жиноятчилиги ва унинг оқибатлари хусусида

3-бет

Мулоҳаза

• ОИЛА – ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕШИГИ

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Бу авваламбор, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бино (иншоот)ни ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар пасайтирилишидир. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига уланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида ёки 1,1 млн.сўмдан кўпроқ тўлаши лозим бўлса, эндиликда қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ, ушбу сумма 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пасаяди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Банкларда ҳисобрақамларини очиш тўловлари камайтирилиб, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди. Экологик экспертизани ўтказиш учун тўлов ҳақи анча сезиларли қисқартирилди, у атроф-муҳитга зарар келтириш хавф-хатари даражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланади.

Касаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур муҳим масалани ҳал этишда кичик бизнес иштирокини кенгайтириш мақсадида, қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга ўз уйларида ишлаётган касаначилар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолмоқда.

Қарорда Республика Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ рухсатномаларни олишда, ушбу масалаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансалорликларга йўл қўймаслик устидан қаттиқ назоратни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиб беради.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ДЕПУТАТЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

бўлғуси сиёсатшуносларнинг ҳар жиҳатдан фаоллигини оширишга хизмат қилади

Учрашувда, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 9 май куни «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида ёшларга қаратилган мурожаатидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳаза билдирилди.

— Президентимиз мамлакатнинг энг катта бойлиги — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшлар, деб қайта-қайта таъкидлагани зиммамизда қандай улуғ, масъулиятли ишлар борлигини яна бир бор чуқур англашимизга туртки берди, — дейди талаба Ғайрат Жўраев. — Мамлакат равнақи ва тараққиёти учун амалга оширилаётган жуда катта,



эзгу ишларнинг давомчилари, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, озод ва обод жамият қуришда асосий куч эканимизни тушуниш ўз устимизда тинимсиз ишлаш, замон талабига мос инсонлар бўлиб вояга етишга даъват этади.

— Ёшлар ўзлигини тобора чуқур англаётгани, ғайрат-шижоати, ўз кучига ишончи, улкан мақсадлар билан яшаётгани юртимиз равнақининг гаровидир, — дейди талаба Нигина Совметова. — Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш эса баркамол инсонни тарбиялашнинг асосий шартларидан биридир. Қолаверса, талаба ҳам зиёли ҳисобланади. Ён-атрофга ўзига хос таъсиримиз бор. Депутатлар билан учрашувда бу борада чуқур мулоҳазалар юритилгани, савол-жавоблар бўлгани биз учун жуда фойдалидир.

Асли КАМОЛ

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✸ ЎзХДП: электорат манфаати

Халқимизда азал-азалдан ён атрофдаги муҳтожга, эҳтиёжмандга кўмакдош бўлишга интилиш одати бор. Бундай эзгу ишларга давлат миқёсида ҳам катта эътибор берилмоқда.

Аммо, аксарият ҳолларда ишга лаёқатли ногиронлар, кўп болали оналар ҳеч кимга юк бўлмай ўз меҳнати билан кун кўришни истайдилар. Ана шундай пайтда давлатимиз яратиб қўйган имконият, имтиёзлар яхши йўлга қўйилган жойда бундай кишилар учун муаммо туғилмайди. Улар ҳамма қатори меҳнат қилиб, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қиладилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги ҳамроҳ, суҳбатдошларимиз ҳам оддий одамлар — бири меҳрга муҳтож, бири меҳр улашаяпти, яна бири яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз меҳнати билан ҳаётини қураяпти.

ОДДИЙ ОДАМЛАР

меҳнати билан ҳаётимиз фаровон, меҳр-оқибат барқарор

КУТИЛГАН МЕҲМОН

Гулистон Тожимова туман ижтимоий таъминот бўлими ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш гуруҳи ходими. Қарамоғида тўққиз нафар ёлғиз кекса бор. Кекса одам боладек бўлиб қолади, дейишади. Бунинг устига бу одамлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини, ёлғизлик изтироблари кўпроқ тортишган. Демак, тўққиз хил дунё, тўққиз хил характер. Ижтимоий идора ходимининг вазифаси оталиғидаги кексаларнинг уйига бориб, кераклн хизматларни бажаришдангина иборат эмас. Мана, бугун Элликқалъа овул фуқаролар йиғинида яшайдиган Ойша Ражабованинг уйига бориб келди. Онахонга давлат ёрдами — бепул озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам элтиб берди. Аслида унинг хизмати ҳам давлатимизнинг ана шундай муҳтож кишиларга яратиб қўйган бир ғамхўрлигидир. Бу ғамхўрлик ҳаётда қандай акс этиши ўзининг меҳнату муомаласига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини Гулистон яхши билади.

Ойша онанинг уйи яқинда овул фуқаролар йиғини ёрдамида таъмирланди. Гулистон шу мўъжазгина ҳовлини супуриб-сидиради, тез-тез нон ёпиб беради, томорқа ишларига қарашади. У иш куни тартибини шундай режалаштирганки, қарамоғидаги кексаларнинг ҳар биридан ҳафтасига икки марта хабар олишга бемалол улгуради.

— Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходими ўзининг хизмат вазифасини яхши уддалашидан ташқари меҳрибон, бағрикенг инсон бўлиши керак. Аслида ана шу хислатлар эгасигина муҳтож кексалар қорига яращдек хайрли ишларни бажаришга қодир бўлади, — дейди Элликқалъа туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Гулжон Ўрозметова.

Гулистон ҳозиргина қайтиб келгани — Ойша Ражабова хонадонида бугун қилинган ишлар ҳақида ҳикоя қилар экан, муҳтожларга мадад бўлаётганидан қониқиш ҳисси унинг сўз оҳангида акс этиб турди.

— Биласизми, кексаларимнинг миннатдорчилиги, дуоларидан чарчоғим чиқиб кетади, — шундай деб Гулистон яна йўлга отланади. Яна икки манзилда ёлғиз кексалар — Сейтмурот ота, Тожигул оналар бугун унинг йўлига кўз тикиб ўтиришибди... Бу хонадонларда Гулистон ҳамиша кутилган меҳмон.

ЯХШИ СЎЗ — КЎНГИЛ ОЗИҒИ

Бўстон шаҳридаги деҳқон бозорига кираверишда туман ногиронлар жамиятига қарашли сартарошхона жойлашган. Пештоқига ногиронларга хизмат кўрсатиш бепул эканлиги ёзиб қўйилган.

Озода, шинамгина сартарошхонада навбат кутиб ўтирган мижознинг ногиронлиги бир қарашингиздан аён бўлади, ёнида етакчиси бор.

Саъдулла сартарош курсисидаги кексароқ кишининг соч-соқолини тарошлаш баробарида биз билан суҳбатлашади.

— Кўпчилик бу ерга бир зум кўнглини ёзиш, гурунглашиш учун ҳам келади. Уларнинг дил сўзларини диққат билан тинглайман, ҳамсуҳбат бўламан, — дейди у.

Саъдулланинг айтишича, бу сартарошхонада ногиронлардан ташқари бошқаларга ҳам хизмат учун маълум ҳақ, тариф белгиланмаган. «Берганингизни бериб кетаверинг», — дейишаркан мижозга. Эътиборга лойиқ бир факт: шу пайтгача бирон киши бошқа сартарошхоналарга қараганда камроқ пул берган эмас. Аксинча, бу ерда имконияти чекланган кишиларга бепул хизмат кўрсатилишини билгандан сўнг, ёрдам беришга интиладилар.

— Кўмакка муҳтож кишига бир оғиз ширин сўз билан, озгина хайрихоҳлик, қўлингдан келган иш билан ҳам катта мадад бериш мумкин, — бу Саъдулланинг ногиронлар билан ишлащдаги бир неча йиллик тажрибаларидан чиқарган хулосаси.

Фикрларидан англадикки, унинг ўзи ҳам бу хайрли ишлардан четда эмас экан...

ҲУНАРЛИНИНГ РИЗҚИ МЎЛ

Гулора Ражабова Бўстон шаҳрининг чеккасидаги янги тушган Огаҳий кўчасида яшайди. Бу ердаги уй-жойларнинг деярли ҳаммаси янги, кўпчилигининг қурилиши ниҳоясига етмаган. Гулораларнинг ҳам ярми битмаган участкасининг очиқ қисмида ажиб манзарани кўришингиз мумкин. Узун тортилган арқонлардаги гулдор кўрпалар кўзни қувонтиради — булар Гулоранинг чевар қўлидан чиққан буюмлар, пахтаси қуриб, кўпчиши учун бирон соат офтобга ёйилади. Бугун-эрта буюртмачи тайёр кўрпа, кўрпачаларни олиб кетади, улар қайсидир келинчакнинг сепини безайди.

— Тўй мавсуми бошланди, буюртмачилар кўп, — дейди Гулора. — «Малика» тикувчилик цехи билан касаначилик асосида ишлашга шартнома қилганман. Турмуш ўртоғимнинг топган-тутганига ҳунарим билан ҳарна бўлса-да улуш қўшаётганимдан хурсандман.

Рўзғор — ғор деб бежизга айтишмайди. Тўрт фарзандлари бор, катталари мактабга чиқади, ҳали у керак, ҳали бу... Бунинг устига бу йил ҳовлининг қурилмаган қисмига пойдевор олишмоқчи. Хуллас, оилага қанча даромад кирса ҳам камлик қиладиган палла. Шунинг учунми, турмуш ўртоғи четга чиқиб пул топиб келишни ихтиёр этди, аммо икки ойдан сўнг бир сўмсиз қайтиб келди. Қайтанга захда яшаб, касал орттиргани қолди.

— Юртингда, ўз уйингда кирибчиқиб юриб топган озми-кўпми даромадинг баракали бўлар экан, — машаққатли сафардан кейинги хулосаси шу бўлди унинг.

Бинойидек дурадгор, ғишт ҳам тера олади, ҳозир элатда нима кўп, қурилиш кўп. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд этишяпти, аҳоли турар жойлар қуряпти. Қадимдан ҳазилнамо гап бор: пули кўпайган тандир олиб синдиради... Ҳозир фақат қурилиш қилишяпти. Демак, унинг ҳунарига талабгор кўп.

Хуллас, эр-хотиннинг топиш-тутиши рўзғор тебратишга етиб турибди. Гулора ишини кенгайтирмоқчи. Янги, замонавий тикув машинаси олмоқчи, — мижозларининг талабига жавоб бериши керак-да. Ҳар кимнинг диди ҳар хил — кимдир оддий, тўғри чокли кўрпа буюрса, кимдир гулдор нақш солиб қавилганини истайди.

— Битта кўрпага пахта солиб, қавиб чиқаришимга уч соат вақт етади, — дейди Гулора. — Маиший хизмат коллежида олган билим ва кўникмаларим жуда қўл келяпти. Касаначилик биздек ёш болали аёллар учун мўлжалланган экан-да. Иш орасида болаларимни мактабга кузатаман. Ҳовлимиз 12 сотих, томорқамиз каттагина, эккан меваларимиз бу йил нишона берди, сабзавот ўзимиздан чиқяпти. Экин-тикинга қарашга ҳам вақт топаман...

Дарвоқе, Гулоранинг ишига, рўзғорга кираётган баракага ҳавас қилиб, қўшни аёллар ҳам касаначиликнинг шарт-шароитларини суриштириб қолишди.

ИШЛАШНИ ИСТАГАНГА ИШ БОР

Амироободлик Нуриддиннинг хонадонида яқинда қувончли воқеа рўй берди. Олдин бу оиланинг кам таъминланганлар сирасига киришини айтиб ўтишимиз жоиз. Оила бошининг топган-тутгани рўзғорни бекаму кўст тутишга етмайди. Улар учун тўрт фарзандни кундалик зарур сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун биттагина говмиш сигир сотиб олишга пул жамғариш муаммо бўлиб турганди. Туман халқ банки ҳомийлик қилиб уларга бир бош сигир олиб келинган кун уйларида катта ҳурсандчилик бўлиб кетди.

Йил бошидан бери 32 кам таъминланган хонадон худди шундай ҳомийлар томонидан қорамол билан таъминланди. Йил охиригача бу рақам 112 бошга етиши кутилмоқда — аризалар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари, ҳомий сифатида белгиланган корхона-ташкилотларнинг режалари ана шундан далолат беряпти.

Сирасини айтганда, энг аввало, кам таъминланган оиланинг меҳнатга қобилиятли аъзосини иш билан таъминлашга эътибор қаратиляпти.

— Ички имкониятларни кўриб, иш излаётганларга таклифларимизни берамиз, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи ўринбосари Қосим Қуанишев. — Ана шундай таклифлардан кейин бир неча оила «Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорлик жамияти хизматчилари учун сут-қатиқ маҳсулотлари етказиб бера бошлади. 78 фуқаро корхона ташкилотлар билан шартнома тузиб, касаначи сифатида фаолият бошлади. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида янгидан 132 иш ўрни яратилди. Бандликка кўмаклашиш маркази ходимларининг уйма-уй юриб ўтказган мониторингидан сўнг 268 фуқарога меҳнат дафтарчаси очилиб, тегишли ёзувлар киритилди. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланаётган бу одамлар энди қонуний иш стажига эга бўладилар. Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш ўринлари яратиш ҳам алоҳида эътиборимизда.

Дарвоқе, ишга лаёқатли ногирон, жазо муддатини ўтаб қайтган ёки нафақа ёшига яқинлашиб қолган фуқаро, кўп болали онани ишга қабул қилишда иш берувчи у ёғ-бу ёғини ўйлаши мумкин. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан бундай кишилар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Йилнинг биринчи чорагида 70 нафар шундай фуқаролар иш билан таъминланди.

Туман бандликка кўмаклашиш марказининг бир неча ойлик фаолиятини кўрсатувчи айрим рақамларни келтиришдан мақсад бир фикрни айтиш эди — мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган, бу борадаги ишлар изчил давом этяпти. Фақат жойлардаги маҳаллий ҳокимият, мутасадди ташкилотларнинг раҳбаридан тортиб ходимларигача бу тадбирларнинг моҳиятини тўлиқ тушунсагина, қоқ ориданги каби яхши ишларни амалга ошириш мумкин.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛУИ ФАШОН: «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ИНТИЛИШИ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

— Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг раҳбарлари томонидан 28 апрель куни Олмаота шаҳрида қабул қилинган Баёнотдан сўнг Марказий Осиё давлатларининг сув ресурсларидан фойдаланиши борасида қандай фикрдасиз?

— Мен Олмаота форумидан илгари, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда сувдан фойдаланиш масаласи билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашганман ва умуман олганда минтақадаги вазият ҳақида аниқ бир тасаввурга эгаман. Марказий Осиёда сув танқислиги қандайдир зиддиятларни келтириб чиқаради, деб ўйламайман. Сув тинчлик рамзи ва манбаидир. Бинобарин, биз минтақада мавжуд барча масалалар борасида мулоқотларни ривожлантиришга хизмат қилишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Албатта, фикримча, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Баёноти минтақада мавжуд барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Бироқ биз уни мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш сари қўйилган муҳим қадам деб қабул қиламиз. Мазкур Баёнот сув ва энергетика масалаларини ўзаро келишув асосида кўриб чиқиш зарурлигини яна бир бор исботлади. Мен ушбу ҳужжатга сувдан фойдаланиш борасида бирон бир давлат мутлақ устуворликка ҳақли эмас деган нуқтаи назардан ёндашаман ва шу боис мулоқотларни йўлга қўйиш ҳамда муроса йўлларини излаш лозим, деб биламан.

Агар Марказий Осиё мамлакатлари Жаҳон Сув кенгаши билан мавжуд сув муаммосини ҳал этишга зарур ечим топиш борасида ҳамкорликка қизиқиш билдирса, у ҳолда дунё ва ташкилотимиз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз минтақа давлатлари манфаатларига мос тегишли экспертизани ўтказишга экспертларни жалб қилишимиз мумкин.

Юртингизга ташрифим чоғида Ўзбекистон томони билан июнь ойидаёқ минтақадаги долзарб масалаларни муҳокама қиладиган ва Марказий Осиёда сувдан фойдаланишдаги баҳс-мунозараларни ҳал этишда фойдаланиладиган аниқ тавсиялар ишлаб чиқувчи мақсадли ишчи гуруҳи ташкил этишга келишиб олдик. Шу билан бирга, биз минтақа мамлакатлари вакилларини дунёнинг 80 дан ортиқ давлатидан 350 дан зиёд ташкилотни бирлаштириб турган Жаҳон Сув кенгашининг глобал тармоғига кенг жалб қилишга ҳаракат қиламиз.

— 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Жаҳон банки Президенти жаноб Роберт Зелликдан режалаштирилаётган гидроэнергетик иншоотлар қурилишининг мустақил экспертизаси ўтказиш зарурлиги баён этилган мактуби келиб тушди. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

— Мен жаноб Роберт Зелликнинг мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тўғрисидаги сўзларига тўла қўшиламан.

Бугунги кунда ҳар қандай йирик лойиҳалар нафақат техникавий жиҳатдан, балки комплекс тарзда ўрганиб чиқилиши лозим. Яъни бунда ижтимоий, иқтисодий оқибатларни, хусусан, Қирғизистондаги Қамбарота ва Тожикистондаги Роғун ГЭСлари сингари иншоотларнинг қурилиши Марказий Осиё ҳудудида яшаётган халқларнинг келгуси турмуш-тарзи ва фаравонлигига таъсири эътиборга олинмоғи даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз Роберт Зелликнинг мамлакатингиз раҳбари номига битилган мактубида таъкидланган мустақил халқаро экспертизани ўтказиш учун келгусида Жаҳон Сув кенгаши экспертларини тавсия этишга тайёр эканлигимизни яна бир бор қайд этмоқчиман.

— Ҳурматли жаноб Луи Фашон, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси фаолиятини янада самаралироқ йўлга қўйиш учун қандай тилаклар билдирасиз?

— Эҳтимол, мен бошқа нуқтаи назарни илгари сураётгандирман, лекин шундай бўлса-да, Орол денгизининг қуришидан келиб чиқадиган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Бугун Оролбўйи минтақасида нафақат экологик, балки глобал аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб бир мажмуи юзага келган.

Шу муносабат билан, таъкидлаш жоизки, барча давлатлар Орол денгизини, сув билан таъминлашнинг янги йўлларини топиш мақсадида ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирсагина, бу муаммолар ечимини топиш тезлашади. Бунинг учун гидрозахираларга бўлган муносабатни ўзгартириш, яъни улардан имкон қадар оқилона фойдаланиш, қандай мақсадларда ишлатилишини эътиборга олган ҳолда келажак учун муайян миқдорда сувни тежаш лозим. Минтақа мамлакатлари сув мутаносиблигини асраб қолиши ва дарёлар оқимининг бугунги кундаги тартибини кафолатлашлари даркор.

Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг ҳар бир аъзоси экологик фожиа ҳудудида содир бўлаётган вазиятга нисбатан масъулиятни ҳис этмоғи лозим. Шу боис, минтақа мамлакатлари, ташқи аралашувларсиз, вазифаларни ўзаро тақсимлаб, ушбу муаммо ечимини топишга ҳисса қўшишлари ва шу йўл билан минтақадаги давлатлар манфаатларини мувозанатга келтиришлари лозим.

Бироқ таъкидлаш даркор, бу муаммо бундан бир неча ўн йил олдин юзага келган. Демакки, унга ечим топиш учун вақт зарур бўлади. Бу жараёнда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси катта аҳамият касб этиши мумкин. Агар биз унинг ишини фаоллаштириш ва такомиллаштириш борасида бирон бир кўмак бера олсак, бундан фақат мамнун бўлар эдик.

— Ўзбекистонга ташрифингиздан ва кўздан кечирган объектларингиздан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз. Мамлакатимизда ер ва сувдан фойдаланишни ташкил этиш даражаси тўғрисидаги фикрингиз қандай?

— Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масаласига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахсан эътибор қаратаётгани мени жуда қувонтирди.

Умуман олганда мамлакатингизда, хусусан, Фарғона водийсида бўлган вақтимда, авваламбор, бу гўзал мамлакатда яшаётган инсонлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Мен уларнинг барчаси Ўзбекистонни янада тараққий эттириш учун шижоат билан олға қадам ташлашга интилаётганини англадим.

Очиғини айтганда, сув хўжалик объектларига борганимда замонавий автоматлаштирилган қурилмаларни, яхши йўлга қўйилган технологик жараён ва албатта, бутун ишлаб чиқаришни моҳирлик билан бошқараётган мутахассисларнинг юксак малакасини кўриб жуда ҳайратга тушдим. Хусусан, Учқўрғон гидроузелида ташкил этилган иш жараёни мени жуда тўлқинлантирди. Бу ерда иш нафақат яшаш, балки тараққий этиш йўлида биз бутун дунёда йўлга қўйиш ва ривожлантиришни режалаштираётган даража ва йўналишда ташкил этилган.

Ўзбекистондаги гидротехника иншоотларини модернизация қилиш тўғрисида бироз тўхталмоқчиман. Ушбу объектларнинг ҳолати аъло даражада. Улар Швейцария, Франция, Германия ва Европа Иттифоқидаги бошқа мамлакатларда фойдаланилаётган ана шундай иншоотлардан асло қолишмайди.

Кўрсатилган меҳмондўстлик учун ўзбекистонликларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Ўзбек халқининг очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлигини бу саховатли заминга қўйган ҳар бир қадамим давомида ҳис этиб турдим.

«Жаҳон» АА



ҚУРШОВДАГИ АЙИРМАЧИЛАР ГУРУҲИ

ўз жонига қасд қилмоқчи



Шри-Ланка ҳукумати қўшинлари томонидан қуршовга олинган «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи оммавий равишда ўз жонларига қасд қилишга тайёргарлик кўришмоқда, дейилади Шри-Ланка Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарида. Матбуот хизматининг бундай хабар тарқатишига «тутиб олинган» радиотўлқинлар — айирмачилар гуруҳининг улар орқали ўзаро сўзлашувлари асос бўлди.

«Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» Шри-Ланканинг кичик бир баликчилар қишлоғида ҳукумат ҳарбийлари томонидан тўлиқ қуршовга олинган. Шундай қилиб, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари»ни тагтомири билан йўқ қилиш мақсадида уч йилдан бери олиб борилаётган ҳукуматнинг кураши якунига етиб бормоқда.

Кейинги кунларда айирмачилар гуруҳи қишлоқлар аҳолисини мажбурлаб гаровга олиб, улардан тирик қалқон сифатида фойдаланмоқда. Аммо шанбанинг ўзида гаровдаги тинч аҳолининг 10 минг нафари улар қўлидан қочиб, ҳукумат ҳарбийлари томонига ўтдилар.

Айни дамда айирмачилар гуруҳи тасарруфида бирон-бир ҳудуд қолмади. Уларнинг барчаси бой берилди.

«Новости» АА маълум қилишича, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи Шри-Ланканинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида мустақил Тамил давлатини қуриш учун 1972 йилдан бери кураш олиб боради. Бу гуруҳ билан ҳукумат ўртасидаги қарамақаршиликлар натижасида 70 мингдан ортиқ киши қурбон бўлди.

«KRASAIR» СТЮАРДЕССАЛАРИ

очликни давом эттиришмоқчи

Красноярск ўлкасининг «KrasAir» авиакомпанияси стюардессалари очликни яна қайтадан давом эттиришадиган бўлишди.

Маълумки, улар бир неча кундан бери давом эттираётган очликни ўтган жумада тўхтатишган эди. Аммо шанба куни яна давом эттиришга қарор қилишди.

Бу акцияда 17 нафар борт кузатувчи қатнашмоқда. Улар неча ойдан бери тўланмаётган маошларини талаб қилмоқдалар, дейилади «Интерфакс-Сибир» АА хабарида.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳукумат авиакомпания ишчилари олдидаги мажбуриятини бажарган, яъни «KrasAir» мол-мулки сотувидан тушган 60 миллион рублни маошлар тўланиши учун махсус ҳисоб-рақамга ўтказди. Аммо стюардессалар маошларини қўлларига олмагунча очликни давом эттиришмоқчи.

ИТАР-ТАСС маълум қилишича, ўтган йил ёзда авиакомпанияда инқироз бошланган. Унинг авиаёнилғидан қарзи 200 миллион рублдан ошиб кетган. Шунинг учун ҳам ёнилғи таъминоти тўхтатилган. Натижада юзлаб авиапарвозлар бекор қилинган.

Ўтган йил ноябрдан эътиборан «KrasAir» парвозларни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Аммо компания ҳали банкрот деб эълон қилинмади. Ишчиларни эса қонуний тартибда қисқартириш масаласи ҳали кўрилмади.

Инқироз бошлангунча «KrasAir»да 2 минг одам меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг учдан бир қисми янги иш топиб, бўшаб кетди.

ИШСИЗЛИККА ҚАРШИ

норозилик намойиши

Германия пойтахти Берлинда минглаб одамлар кўчаларга чиқиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози боис юзага келаётган ишсизлик ва қашшоқлашув жараёнларининг ўсиб бориши тезроқ бартараф этилишини талаб қилиб, намойиш ўтказдилар.

Немис касаба уюшмалари бирлашмаси ушбу намойиш ташкилотчиси бўлди.

«BBC» тарқатган хабарларга қараганда, Европада ўз ўрнига эга Германия иқтисодиёти жорий йилнинг биринчи чорагида аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 фоизга тушиб кетди. Бу 1970 йилдан кейинги энг рекорд даражадаги пасайишдир. 2008 йилнинг тўртинчи чорагида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга камайган.

Аммо айрим соҳаларда ўсиш ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, кейинги 7 ой ичида илк бор саноат ишлаб чиқариши учун буюртмалар даражаси анча ортган.

ЭЛЕКТРОН ҚАРОҚЧИЛАР

ёки компьютер жиноятчилиги ва унинг оқибатлари хусусида



БМТ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва у билан курашиш қўмитаси хулосасига кўра, компьютер жиноятчилиги халқаро муаммо даражасига кўтарилган. АҚШда бу жиноий фаолият даромадлилиги билан қурол ва наркотик савдосидан кейин 3-ўринни эгаллайди. Ушбу жиноятларни асосан компьютерни мукаммал биладиганлар, яъни хаккерлар амалга оширади.

Хаккерлар атамаси ҳозирда ахборот тармоқларидан рухсатсиз фойдаланувчилар учун қўлланилмоқда. Энг замонавий луғатларда («хаккер» инглизчадан таржима қилинса, «муваффақиятли бошқармоқ» маъносини беради) ўта моҳир ҳамда ғоят қизиқувчан программист, компьютердан қурол сифатида фойдаланувчи жиноятчи ёки бошқа шунга ўхшаш таърифларга дуч келишимиз мумкин. Айримлар уларни «компьютер қароқчилари», «фирибгарлар», «электрон босқинчилар», «электрон жосуслар» ёки «электрон ўғрилар» деб атаса, бошқалар «профессионал программист» «компьютер илмининг даҳоси», деб номлайдилар. Хаккерларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

«Қароқчилар» — тизимга кириш билан чекланиб қолувчи маҳоратсиз ва тажрибасиз гуруҳлар.

«Браузерлар» — ушбу гуруҳ вакиллари замонавий технологиялар билан қуролланган бўлиб, ўзгаларнинг файлларига рухсатсиз кириш имконига эга. Улар муаллифлик ҳуқуқини бузиб файллардан фойдаланишлари мумкин. Аммо уларга зарар етказмайдилар.

«Крекерлар» — замонавий техник воситалардан юқори даражада фойдалана оладиган хавфли жиноятчилар. Улар содир этган қилмишлар одатда катта миқдорда зарар келтиради. Крекерлар дастур ва тизимларни йўқ қилиб юборишлари ҳам мумкин.

Банклар ҳамда машҳур корпорацияларнинг веб сайтлари хаккерлар ҳужумининг асосий объекти ҳисобланади. 2008 йилдаги энг машҳур тармоқ ҳужумларидан бири ДДоС ҳужумлари (хизмат кўрсатишни издан чиқариш) бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу турдаги ҳужумлар дунёнинг исталган нуқтасидан амалга оширилиши мумкинлиги боис уни аниқлаш ва жиноятчига муносиб жазо тайинлаш қийинчилик туғдиради. Хаккерлар таъсирига учраётган веб саҳифаларни бир неча соат ёки бир неча кунга ишдан чиқарадилар. Шу вақт давомида компания ўзининг миллионлаб маблағини йўқотади. Ўтган йилнинг ўзида бундай ҳужумлар келтирган зарар 34 маротабага кўпайиб, 1 миллиарддан 77 миллиард долларга ўсди. Фойдаланувчилар ўз карточкаларининг рақами ҳамда паролларини ошкор қилиб қўйишлари оқибатида эса 57 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сумма хаккерлар чўнтагига тушган.

Бугунги кунга келиб компьютер жиноятчилиги уюшган кўринишга эга. Швейцариялик экспертлар хулосасига кўра, бир гуруҳ ёлланма компьютер жиноятчилари ўз тармоқларини жиноий ташкилотларга соатига 150 евродан таклиф қилади. Мафия усулларига яқин бўлган яна бир омил бу — ёш компьютер усталари тармоғидир. Уларнинг юқори сифатли «хизматлари» учун соатига 100 евродан тўлашади. Уюшган жиноятчилар акцияларни сотиш ва сотиб олишда шахсий ёзишмалар орқали ташкилот фаолиятига таъсир қилади. Масалан, Палермо полицияси кибермафия баъзи ташкилотларнинг акциялари билан боғлиқ 474 миллион евро миқдоридаги маблағни ўзлаштирганини далиллар билан исботлаб берди. Шулардан келиб чиқиб компьютер жиноятчилигига қарши халқаро ҳимоя тизимига эҳтиёж сезилмоқда, дейиш мумкин.

Компьютер жиноятчилигига қарши республикамизда ҳам турли чоратадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасига кўра, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотларини модификациялаштириш, зарар келтирувчи дастурларни ишлатиш ёки тарқатиш, яъни компьютер жиноятчилигини амалга ошириш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Замонавий техника воситаларини мукаммал билиш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш яхши. Лекин илмни жиноят йўлида ишлатиш жаҳолатдир.

Камолиддин ҲУЖЖАТОВ,
Мирсодиқ ҲАСАНОВ,
ТДЮИ талабалари.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ХАЛҚ БАНКИ: МУҲИМИ МИЖОЗ МАНФААТИ

Банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда банкларнинг инвестиция фаоллигини ошириш учун ишончли ресурс базасини яратиш мақсадида аҳоли ва юридик шахсларнинг тижорат банклардаги депозитларга жалб этилаётган маблағлари ҳажми кенгайтирилиши мамлакатимизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бош йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз барча ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Дастурда аҳолини иш билан таъминлаш ва уни ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар, кичик бизнесни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоралари ва бошқа тадбирлар назарда тутилган.

Давлат-тижорат Халқ банки томонидан 2009 йилнинг ўтган даври давомида амалга оширилган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу дастурнинг ижроси ўзининг самарали натижаларини бераётганлигини банкнинг Самарқанд вилояти филиали мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ушбу молия муассасаси мавжуд 20 та филиали, 45 дан ортиқ мини банки ҳамда 220 дан ортиқ шохобча ва 33 та махсус кассалари орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

— Банк кассаларига жорий йилнинг тўрт ойи ичида жами 71,6 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги нақд пул маблағлари кирим қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105 фоизга ёки 3594,4 млн. сўмга оширишга эришилди, — дейди банкнинг вилоят филиали бошлиғи Сиддиқ Номозов. — Шунингдек, ана шу давр ичида банк активлари 12632,0 сўмга ёки 136 фоизга ортиб, 41498,3 млн. сўмни ташкил этди. Кредитлаш ҳажми эса йил бошига нисбатан 12600,0 сўмга ортиб, 39327,0 сўмга етказилди.

Ўтган давр оралиғида фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигини молиялаштиришга 2130,0 млн. сўм, саноат корхоналарига 500,0 млн. сўм, савдо ва умумий овқатланиш соҳасига 2500,0 млн. сўм ва бошқа тармоқларни кредитлашга 2100,0 млрд. сўм йўналтирилган, дея сўзини давом эттирди банк раҳбари. Бундан ташқари, 976 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўрт ой ичида пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жами 10363,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Берилган маблағлар эвазига 431 та янги иш ўринлари яратилди.

— Шунингдек, банк филиаллари томонидан 1151,0 млн. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилиб, кам таъминланган оилаларни қорамол билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти, — дея суҳбатга қўшилди банк вилоят филиали бошлиғининг биринчи ўринбосари Ботир Давиров. — Шу мақсадда банкнинг туман ва шаҳар филиаллари томонидан шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида жорий йилнинг тўрт ойида 194 нафар фуқарога 195,0 млн. сўмлик кредитлар ажратилган.

Филиал жамоаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредит маблағлари ажратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинаяпти. Шу мақсадда биргина жорий йилнинг ўтган даврида банк филиаллари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 2343,0 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Хусусан, вилоят филиалининг амалиёт бўлими томонидан «Юнусжон ОИЛ» МЧЖга 500,0 млн. сўм миқдорида бахмал матоларини ишлаб чиқаришга зарур бўлган хомашё учун кредит маблағи ажратилиб, натижада 95 та янги иш ўрни яратилди.

Банкнинг Жомбой филиали томонидан «Ёғду» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига 46,0 млн. сўм миқдорида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун технологик ускуналар сотиб олиш учун кредит маблағи ажратилиб, натижада 10 та янги иш ўрни яратилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва хомашё материаллари сотиб олиш учун Самарқанд туманидаги «Дурдона» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига 150,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Оқдарё тумани филиали томонидан эса «Оқдарё шифо» хусусий корхонасига тиббий асбоб-ускунлар сотиб олиш учун 38,0 млн. сўм кредит берилди. Натижада янги иш ўринлари яратилган. Пастдарғом тумани филиали томонидан эса «Чарос» хусусий фирмасига савдо мажмуи қуриш учун 200,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилиши эвазига бу ерда 25 та янги иш ўрни барпо этилди.

2009 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, Халқ банкининг Самарқанд вилоят филиалининг жами капитал маблағлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 70 фоизга ортиб, 2312,7 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йил давомида ҳам банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Халқ банки омонатчиларининг доимий равишда кўпайиб бораётганлиги ва депозит ҳисобварақларига жалб этилаётган маблағларнинг ҳажми анча ўсганлиги — тўғри танланган маркетинг сиёсати ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларини фаол жорий этиш, улар сифатини яхшилаш, бўлим ва филиалларнинг моддий-техник базасини мунтазам равишда янгилаб борилиши, ходимлар малакаси оширилишининг натижасидир. Бугунги кундаги мавжуд кўрсаткичлар аҳолининг республикадаги энг ишончли молия муассасаларидан бири сифатида Халқ банкига бўлган ишончи сўзсиз ошганлигидан далолат беради. Рақамлар тили билан айтганда, олиб борилган тадбирлар сабабли, жисмоний шахслар депозитларининг қолдиғи йил бошига нисбатан 2602,8 млн. сўмга ёки 128,1 фоизга ортиб, 12150,0 млн. сўм етказилган. 2009 йилнинг тўрт ойи давомида Халқ банки бошқаруви томонидан жорий этилган ўн бир турдан ортиқ омонат турлари мижозларга таклиф этилиши билан бирга, мавжуд омонатларнинг шартлари мижозлар учун манфаатли ва мақбул бўлган шартлар билан алмаштирилди. Натижада шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра, омонатларга аҳоли маблағларини жалб қилиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 188,0 фоизга ошди. Шунингдек, биргина 2009 йили банк томонидан «Навбаҳор», «Ижтимоий рағбат», «Соврин плюс», «Миришкор деҳқон», «Кўклам», «Болажон келажаги» сингари ўн битта ютуқли омонат турлари жорий этилган.

Президентимизнинг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банк муассасаларидаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағлари биринчи даражали тўловларга йўналтирилган бўлса, шундан 32163,0 млн. сўми нафақа тўловларига, 5775,1 млн. сўмлик пенсия тўловлари ҳамда 1090,3 млн. сўмлик бюджет ташкилотларининг иш ҳақи тўловлари ўз вақтида тўланишига йўналтирилган. Бундан ташқари, аҳолининг омонатлари бўйича ҳисобварақларидан 12446,0 млн. сўмлик маблағлар омонатчиларнинг биринчи талаблари бўйича узлуксиз нақд пуллар билан таъминлаб берилган.

Халқ банки мижози бўлиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахсларнинг сони тобора ортиб бораётганини республика аҳолиси фаровонлиги ўсаётганлигидан, умуман банк тизими ва хусусан, Халқ банкига бўлган ишонч мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Омонатчи Халқ банкини танлар экан, унинг молиявий хизматлари хилма-хиллигини ҳам, мижозларга муносабатини ҳам ва энг муҳими, мамлакатдаги етакчи банкнинг ишончлилигини баҳолайди. Бугунги кунда банк хизматлари кўрсатилаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 223 тага ортиб, 6974 тани ташкил этди. Шундан нақд пул тушумига эга бўлган субъектлар сони 84 тага ортиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра 3289 тадан иборат бўлди.

Президентимизнинг «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жалб этишни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан аҳолига пул ўтказмаларини қулай ва ишончли, тез амалга ошириш ҳамда пластик карточкалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банкнинг шаҳар ва туманлар филиаллари томонидан 2009 йилнинг 1 май ҳолатига 126 та «ЎзТЎЛОВ» миллий тўловлар тизими тармоғи жорий этилган. Шу мақсадда ҳозирги кунда мавжуд филиаллар қошида 50 та кабина ташкил қилинган.

Мухтасар айтганда, Халқ банкининг Самарқанд вилоят филиали жамоаси 2009 йил учун ишлаб чиққан хизматларни ривожлантириш сиёсатида биринчи навбатда аҳоли барча қатламларининг талабларини қондиришга мўлжалланган, энг замонавий технологиялардан фойдаланиб тақдим этиладиган янги хизмат турлари жорий этилишини кўзда тутувчи асосий йўналишлар сақлаб қолинган.

Абдували ХУДОЁРОВ,
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

❖ Баркамол авлод орзуси

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Юртимизда иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодга пухта таълим-тарбия бериш, уларнинг қизиқиши ва иқтидори бўйича касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шароит ва имкониятлар, бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда. Буни Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда мазкур билим юртида 620 дан ортиқ ёш 4 йўналишда таҳсил олаяпти. Коллеж директорининг ўринбосари Улуғбек Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги 10 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Шартномага кўра ҳар йили коллежнинг 100 дан ортиқ талабаси иш билан таъминланаяпти.

Бундан ташқари, бу ерда 22 та фан тўгараги, 12 та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Коллеж талабалари республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли танловларда фахрли ўринларни ҳам эгаллаб келишаяпти. Айниқса, ўқув юртида ташкил этилган замонавий ахборот-ресурс маркази ёшларнинг чуқур билим олишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур марказда электрон кўргазмалар, WEB саҳифалари ташкил қилинган.

— Жамоамизда 14 нафар ҲДП аъзоси меҳнат қилади, — дейди коллеж директори, ЎзҲДП фаоли Валиқул Бердиқулов. — Улар ўқув-тарбия жараёнлари ва турли тадбирларни ўтказишда намуна кўрсатишмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз — мамлакатимизга малакали, салоҳиятли кадрлар етказиб бериш.

(Ўз мухбиримиз)

✱ Спорт

ЎНИНЧИ ТУРДАН СЎНГ...

Футбол бўйича Ўзбекистон профессионал лигаси ўнинчи тур баҳслари ортда қолди. Турнинг марказий ўйинларидан бири Тошкентда «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказилди.

Осиё чемпионлар лигасида муваффақиятли иштирок этаётган пахтакорчилар ушбу учрашувни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди — 3:0. Тўпларни Боян Миладинович ҳамда Зайниддин Тожиев (иккита) киритишди. Мазкур ўйин Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида қатнашаётган тошкентликлар учун ҳам, ОФК кубоги ўйинларида иштирок этаётган «Нефтчи» футболчилари учун ҳам муҳим учрашувлар олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

Мухлислар яна бир қизиқарли ўйинга Андижон шаҳрида гувоҳ бўлишди. Амалдаги мамлакат чемпиони — «Бунёдкор» жамоаси бу гал «Андижон» вакиллари меҳмони бўлди. Гарчи бу баҳсда мезбонлар ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев 60-дақиқада ҳисобни очган бўлса-да, тажриба борасида рақибларидан бирмунча кучли саналган меҳмонлар учрашувни барибир ўз фойдаларига ҳал қилишди — 1:2. Ривалдо ҳамда Анвар Солиевларнинг киритган голлари «Бунёдкор» жамоасининг навбатдаги ғалабасини таъминлади.

Қаршида «Насаф» — «Қизилқум» жамоалари ўртасида кечган учрашувда кўпчилик мезбонларнинг йирик ҳисобда ғалаба қозонишини тахмин қилишганди. Чунки, ўтган турда зарафшонликлар «Пахтакор» жамоаси билан кечган баҳсда ўз дарвозаларидан жавобсиз бешта тўп олиб чиқишганди. Аммо бу гал «Қизилқум» футболчилари аввалги хатоларини такрорламади. Учрашувда Камолиддан Мурзоевнинг «дубли» «Насаф» жамоасига навбатдаги ғалабани туҳфа этди — 2:0.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Локомотив» — «Олмалиқ» — 2:1, «Шўртан» — «Хоразм» — 1:0, «Бухоро» — «Машъал» — 1:1, «Навбаҳор» — «Динамо» — 1:0.

Кеча кечқурун Бекободда ўтказилган «Металлург» — «Сўғдиёна» учрашувида мезбонлар ғалаба қозонишди — 3:1.

Навбатдаги тур ўйинлари 23-25 май кунлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

ЎНИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Бунёдкор»	**10**	**0**	**0**	**25-3**	**30**
2. «Пахтакор»	**8**	**2**	**0**	**23-2**	**26**
3. «Насаф»	**7**	**2**	**1**	**19-8**	**23**
4. «Локомотив»	5	3	2	11-9	18
5. «Олмалиқ»	5	2	3	12-10	17
6. «Навбаҳор»	4	3	3	10-6	15
7. «Шўртан»	4	1	5	12-15	13
8. «Нефтчи»	4	1	5	11-14	13
9. «Сўғдиёна»	4	1	5	15-20	13
10. «Хоразм»	3	3	4	10-13	12
11. «Андижон»	2	4	4	13-17	10
12. «Металлург»	2	3	5	11-15	9
13. «Қизилқум»	2	1	7	8-23	7
14. «Динамо»	1	3	5	4-13	6
15. «Бухоро»	**1**	**3**	**6**	**9-18**	**6**
16. «Машъал»	**1**	**2**	**7**	**6-14**	**5**

НИГИНА БОШ СОВРИНГА ДАЪВОГАР

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидан жой олган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўн беш ёшли Нигина Абдураимова биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Яккаликлар баҳсида бешинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз чорак финал учрашувида россиялик Виктория Сизинцевага қарши кортга чиқиб, рақибасига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ҳужумкор ўйин кўрсатган ўзбекистонлик теннисчи ўйинни 6:0, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Ярим финал беллашувида Нигина Абдураимова испаниялик Аида Мартинес Санхуандан тажриба ва маҳорат бобида анча устунлигини исботлади. Тезкор ҳаракатлари билан рақибасини мураккаб вазиятга солиб қўйган Нигина 6:0, 6:1 ҳисобида устун келди.

Энди Нигина Абдураимова халқаро турнирнинг бош соврини учун ўтказиладиган ҳал қилувчи беллашувда ярим финалдаги иккинчи жуфтлик – Жована Жаксич (Сербия) ва Франческа Стефенсон (Буюк Британия) ўртасидаги ўйин ғолибаси билан беллашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

✓ Мулоҳаза

ОИЛА — ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕШИГИ

Табиатда инсон энг кучли, ақл-заковати билан борлиқни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилувчи мавжудот ҳисобланади. Зеро, у табиат мувозанатини тўғри тушунмаслиги, аниқроғи, бу муҳим масалага совуққонлик билан қараши натижасида ўзи яшаб турган муҳит табиий ҳолатининг бузилишига сабаб бўляпти. Бунга дунё бўйлаб кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Табиий офатлар билан курашиш, меҳнат қилишни табиатдан муттасил ўрганиш, улуғ бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда: «Ундан тарбият олиш туфайли» инсон азиз, мукаррам ва қудратли бўлди. Бугун эса биз буни экологик тарбия деймиз.

Тўғриси, бугун биз бу ҳақда кўп гапирамиз, телекўрсатувларда «одамларда экологик маданият паст», радионинг қулоғини бурасангиз «экологик тафаккур етишмаяпти, одамларга», газетани варақласангиз «аҳоли онгида экологик тасаввур қашшоқ...» дейди. Хўш, бу маданият қаерда, қачон шаклланади, деган савол туғилади. Эколгик тарбия инсон маънавияти каби оилада шаклланади.

Шу ўринда шахсий мулоҳазамизни айтмоқчимиз. Негадир баъзилар «экологик маданиятни шакллантириш керак» деб фикр юритади. Аслида бизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз экологик тарбиянинг бешиги ҳисобланади. Қадимдан турмуш тарзимиздаги бир туп ниҳол экиш катта савоб, ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш, ҳатто чумолига озор бермаслик, ҳовуз, ариқдаги сувни тоза сақлаш каби урф-одатларимиз замирида борлиқни асраш фалсафаси мужассам эмасми?!

Биз Жиззах вилоятининг Зомин туманида, табиати сўлим бир масканда туғилганмиз, болалигимиз «Чашма», Хўжамишкент бобо булоқлари бўйида ўтган. Қишлоғимизда Бобо, Момо, қарияларимиз азалдан бизга бу муқаддас булоқларни кўз қорачиғидек асрашга ўгит берган. Қишлоқларда ҳозир ҳам қариялар, ёши улуғ одамлар оиласида, кўни-қўшнисининг боласи, келини чиқинди чиқарса, «саранжом-саришталиқ йўқ бўлса, рўзғордан барака кетади» дея огоҳлантиради. Бу экологик тарбия эмасми? «Сувни ифлос қилма увол бўлади» дея насиҳат қилади. Афсуски халқимизнинг қадим қадрияти, марказ, катта шаҳарларда бироз хиралашиб қолгандай, туюлади бизга.

Ўзимизга савол бериб кўрайлик, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз ёки улфатларимиз билан қачон охирги бор табиат, уни асраш ҳақида суҳбатлашганмиз? Ҳайвонларга, ўсимликларга меҳр-шафқатли бўлиш, сувни соф сақлаш ҳақида ҳамма ота-она ҳам фарзандига уқтираяптими? Афсуски, бу борада ҳали камчиликларимиз бор.

Ўтмиш аждодларимиз табиий бойликларни тежаб-тергаш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берганлар. Муқаддас китобларда қайд этилган фикрлар ёшлар ва умуман аҳоли онгига экологик тарбия ва билимни сингдиришда катта аҳамиятга эгадир. Зеро, бу манбаларда ўсимлик ва ҳайвонларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, озуқа занжиридаги ўрни, шунингдек, инсоннинг хўжалик фаолиятидаги роли ҳақида маълумотлар алоҳида қайд этилган.

Ҳозирги даврда ҳам экологик тарбияни, экологик билимни оширишда аждодларимиз меросидан унумли фойдаланса, улар асосида ўқув қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шерали МАМАДИСОЕВ,
ЎзМУ журналистика факультети II босқич магистранти.
Ҳолисхон РАҲИМОВА,
ЎзМУ Биология тупроқшунослик факультети I курс магистранти.

Китоб жавонингизга

«ШОҲ БАҲРОМ ВА ДИЛОРОМ»

Шарқ адабиётида машҳур достонлар таъсирида ёзилган кўплаб асарлар бор. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Шарқ мумтоз адабиётларини нашрга тайёрлаш бўйича грант танловлари эълон қилиши бу асарларнинг сараларини халқимизга етказиш имкониятини яратди.

Филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов нашрга тайёрлаган ва сўзбоши ёзган Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони ана шундай грант асосида чоп этилган китоблардан биридир.

Ғарибийнинг бу асари сюжети ўзига устоз билган Алишер Навоийнинг «Саъбаи сайёр» достонига жуда мос келади. Лекин у устознинг етук достони даражасига кўтарила олмаслигини бир неча бор таъкидлаган:

Бу сўзнинг давомини қилсанг ҳавас,
Очиб кўр,
Навоий китобини бас.

Ёки:

Агар кўрмоқ
истар эсанг зулфу хол,
Навоий китобини
илгингга ол.

Шундай экан, Навоий асаридаги воқеаларни такрорлашдан, қайта тасвирлашдан Ғарибийнинг мақсади нима эди? Китоб сўз бошисида ёзилганидек: «Ғарибийнинг мақсади Навоийнинг достонини бошқача тарзда, яъни ихчамроқ ҳамда соддароқ тилда янгидан куйлаш, шу йўл билан уни кенгроқ тарғиб этиш, оммалаштириш, улуғ шоир ғояларини халқ орасида чуқурроқ ёйишдан иборат бўлган».

Дарҳақиқат, ўз даврида Шарқий Туркистонда машҳур бўлган Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони ҳозирги кунда ҳам Ҳазрат Навоийнинг ўлмас асарини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз)

РАҚСЛАР ЧАМАНИ

Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон вилоят театрида бўлиб ўтган «Рақс — менинг ҳаётим» кўриктанлови чинакам байрамга айланди. Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган бу тадбир чекка қишлоқларда яшаб, рақсга, санъатга меҳр қўйган кўплаб истеъдодларни кашф этди.

Танловда Мадинабону Шаробиддинова, Ситорабону Одилжонова сингари ёш рақҳосалар, Андижон шаҳридаги 30-болалар боғчаси ҳамда 9-умумтаълим мактаби ўқувчилари ижросидаги рақслар барчага манзур бўлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» МЧЖ

томонидан 2009 йил 16 июнь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Toshkent pochtamti» филиали тасарруфидаги:

1. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AE 452 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 3 400 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 680 000 сўм.

2. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 986 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 3 200 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 640 000 сўм.

3. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AE 462 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 4 000 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 800 000 сўм.

4. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 256 бўлган «ДЭУ Лабо» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 2 500 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 500 000 сўм.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 2-уйда жойлашган «Тошқишлоқмаш» ОАЖ тасарруфидаги:

1. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 89-49 ШЗ тр-р бўлган «МТЗ-80» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 4 200 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 840 000 сўм.

2. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 576 бўлган «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи 7 000 000 сўм. Тўланадиган закалат пули миқдори 1 400 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Агар савдо ғолиби тўлаган закалат миқдори сотиб олиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, ғолиб давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунига қадар етишмаётган суммани тўлаши шарт.

2009 йил 16 июнь куни сотилмаган автотранспорт воситалари бўйича аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 15.00 да давом эттирилади.

Савдо ғолиби эммасига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal auksion markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли»даги MFO 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 сонли ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19- уй.
Телефон/факс: 244-88-03, 244-88-04.
Электрон почта: auksion@bk.ru
Гувоҳнома: № 001568-09

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda